

**ПОРТРЕТ- МАҚОЛА ЖАНРИ РИВОЖИ
(Ойбек ижоди мисолида)**

БухДУ профессори ШОИРА АХМЕДОВА

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон халқ ёзувчisi Ойбекнинг адабий – танқидий қарашлари ҳақида фикр юритилиб, портрет-мақола жанридаги асарлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Ойбек, адаб, адабий танқид, жанрлар, портрет-мақола жанри, эстетик баҳо, умумлаштириш.

Abstract. The article discusses the literary and critical views of the People's Writer of Uzbekistan, Oybek, and analyzes his works in the portrait-article genre.

Key words: Oybek, writer, literary criticism, genres, portrait-article genre, aesthetic evaluation, generalization.

Ойбек XX аср ўзбек адабиётининг чўнг қояларидан бири бўлиб, ўзининг улкан ижоди ва адабий мероси билан XX1 аср авлоди тафаккурини бойитишига ҳам бирдай хизмат келиб келмоқда. Ойбек истеъоддининг бир қирраси унинг мунаққидлик фаолиятида ёрқин кўринади. Ойбек ўз даврининг нуқтадон танқидчиси, адабий жараённинг сергак кузатувчisi ва фаол иштирокчisi эканлигини унинг ҳажман йирик адабий-танқидий мероси яққол намоён этиб турибди.

Академик ёзувчи, ўз даврининг етук мунаққиди Ойбекнинг илмий мероси ғоят ва ранг-барангдир. Ойбек ижодида адабий танқиднинг тақриз, адабий-танқидий мақола ва унинг обзор, муаммоли ва баҳс характеридаги турлари, портрет-мақола, илмий-биографик мазмундаги асарлар, йирик монографик тадқиқот каби жанрлари кўплаб учрайди. Гарчанд Ойбекнинг адабий-танқидий қарашларини ўрганиш 70- 80-йиллардан (О.Шарафиддинов, Б.Назаров) бошланган бўлса-да, унинг адабий-танқидий меросини жанр ва шакл нуқтаи назаридан ўрганиш бугунги кунда ойбекшунослик олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Бу эса улкан адебнинг шахс ва ижодкор сифатидаги бир бутун қиёфасини тадқиқ этишда жуда зарурлигини намоён этади.

Ойбек ижодида адабий танқидчиликнинг тақриз, адабий-танқидий мақола, обзор мақола қаби кичик ҳажмли шакллари орасида портрет-мақолалар ҳам мавжудки, улар ўз даврининг адабий жараёни ҳақида, ўз муаллифининг илмий-ижодий қиёфаси ҳақида тўлиқ маълумот бера олади.

Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигининг кейинги тараққиётини кузатар эканмиз, 20-йиллардан кейин портрет-мақолаларнинг турли мақсадлар билан ва ўзгача йўсинда яратилишини кўрамиз. Шу жихатдан уларни қуидагича

тасниф этиш мумкин:

1. Шоир ёки адибнинг юбилейи муносабати билан;
2. Шоир ёки адибнинг ўлими муносабати билан
3. Ижодкорнинг бирор китоби нашр этилиши муносабати билан сўз боши шаклида ёзилган портрет-мақолалар учрайди.

Ойбекнинг «Faafur ҳақида» деб номланган портрет-мақоласида шоирнинг ҳаёти, таржимаи ҳоли ҳақида маълумот берилмаса-да, (зотан бунга ҳожат ҳам йўқ эди : Ойбекнинг бу мақоласигача ҳам ўқувчилар Faafur Fуломнинг таржимаи ҳолини билишарди), Faafur Fуломнинг ўзбек адабиётидаги муносиб ўрни тўғри белгиланади.

Мақолада шоирнинг тўпламларига баҳо берилади, ижодидаги ўзига хос фазилатлар таъкидланади. F.Фуломнинг «Ўзбек шеъриятида такрордан, шаблондан, ясамачиликдан энг кўп қочган шоир» эканлигини кўрсатиш билан бирга «шоирнинг таланти ҳамма шеърларида янги куч ва аланса билан ёнмас»лиги ҳам айтиб ўтилади. Ойбек F.Фулом насрига ҳам тўғри баҳо беради. Ҳикояларини чуқур таҳлил қилиб, адибнинг маҳоратини очиб беради: «F.Фулом насири реалистик насрдир. Ёзувчи ҳикояларида ҳаётни аниқ тасвирлайди. Характерли аломатларни, равshan деталларни пайқаб олади»[Ойбек. 1979: 105]. Ойбек F.Фулом ҳикояларининг тилига ҳам объектив баҳо беради. Тўғри,F.Фулом ижоди баъзан ўзи яшаган давр мафкураси нуқтаи назаридан ўтказилган ўринлар ҳам учрашини айтиб ўтиш лозим.

Ойбекнинг портрет-мақоласи ҳажман қисқалиги, шоир ижодига умумлаштирувчи тарзда баҳо бериши жиҳатидан 20-йиллардаги портрет-мақолалардан фарқ қиласи.

Ҳамид Олимжон ижодига бағишлиланган портрет-мақола «Оташин ватанпарвар ва талантли шоир» деб номланган бўлиб, у шоирнинг вафотидан кейин ёзилган. Мақоланинг сарлавҳасиданоқ Ойбекнинг шоир ижодига самимий муҳаббат билан қарагани яққол кўриниб туради. Мақоланинг бошидан Ойбекнинг эҳтиросга бой , Ҳамид Олимжон ижоди ва шахсиятига нисбатан меҳрга тўлиқ қалбидан қайноқ сўзлар отилиб чиқади: « Қалбимдан оқади бир дарё қўшиқ».. Ҳайҳот, қўшиқлар мавжланган бу қалб уришдан тўхтади. Лекин қаҳрамонга ўлим ёт бўлгани каби шоир учун ҳам ўлим йўқ, дейиш мумкин. У жонли сўзларида, қўшиқларида яшайди» [Ойбек. 1979: 196].

Ойбек Ҳамид Олимжон ижодининг бош фазилатларини тўғри изоҳлайди. Ўзи ижодкор, шоир бўлгани учун ҳам унинг « фикрловчи шоир» эканлиги, «ўқувчининг юрагига кириш сирини» билиши тўғри кўрсатилади. Портрет-мақолада Ойбек ўзи таъкидлаганидек, шоир ижодининг «инкишоф йўлларининг баъзи хусусиятлари умумий тарзда кўрсатибгина ўтилади».

Ойбек Ҳамид Олимжон ижодиётининг «жуда илк баҳори» «Кўклам»га

объектив баҳо беради: «Кўклам»даги шеърларнинг аксари техник ва бадиий мастерлик жиҳатидан думбул, лекин фикр ва ҳисларнинг самимий жўшқинлиги, поэтик воситаларнинг ёрқин ранги ва тозалиги билан у вактдаги поэзиямизда қувонтиарли гулдаста эди» [Ойбек. 1979: 198]. Мунаққид Ҳ.Олимжон шеъриятидаги «формал-стилистик ўзгаришлар»ни таҳлил қилади. Шоирнинг шеърий шаклда, вазнда янгиликка интилишини қўллаб-қўвватлади. Шоир ижодига халқ оғзаки ижодининг, Маяковскийнинг таъсири чуқур таҳлиллар асосида кўрсатиб беради.

Ҳамид Олимжоннинг машҳур «Ўрик гуллаганд» шеърига Ойбек берган баҳо бугун ҳам ўқувчи диққатини ўзига торта олади, уни ҳассос шоир ижодига ошно қила олади: «Ўрик гуллаганд» бадиий соддалик, самимийликнинг жонли ўрнаги. Унда фикрчилик бор, на безак бор, на санъатпардозлик бор. Бу сўзлар ҳар Ким айта оладиган содда ва табиий. Лекин унда шоирнинг юраги уриб туради» [Ойбек. 1979: 202].

«Бахт ва шодлик туйғуси» шоирнинг «Бахт» китобига кирган аксар шеърларига хослиги очиб берилади. «Бахт, шодлик ва гўзал ҳаёт куйчиси, табиий, табиат гўзаликлигига» берилишни севиши Ойбек томонидан тўғри таъкидланади. Ойбек Ҳ.Олимжоннинг уруш йилларида яратилган асарларини ҳам эҳтирос билан таҳлил қилади. Шу тариқа портрет-мақола ўқувчидаги Ҳамид Олимжон ижоди ҳақида яхлит тасаввур бера олиши жиҳатидан аҳамиятли.

Ойбекнинг Ҳасан Пўлат ижодига бағишлиланган мақоласи гарчанд шоирнинг «Танланган асарлар»ига сўзбоши тарзида ёзилган бўлса-да, портрет- мақола йўсинидалиги билан уни шу типга киритиш мумкин.

Ойбек ижодида рус адабиёти намояндаларидан Пушкин ижодига бағишлиланган «Пушкин- рус халқининг улуғ шоири» деб номланган портрет-мақола учрайди. Унда Пушкин ижодига кенг ва умумлаштирилган баҳо бериладики, бу ўзбек ўқувчиси учун Пушкин ижодига киришдай вазифани ўтаган.

Мунаққиднинг «Улуғ дўстимиз» (Н.Тихоновнинг 70 йиллиги муносабати билан ёзилган), «Ҳурматим чексиз» (М.Горький ҳақида), «Ҳамиша яловбардор, ҳамиша устоз» (М.Горькийнинг 100 йиллиги муносабати билан), «Устоз санъаткор» (Лев Толстой ижоди ҳақида) ёзилган мақолалари ҳам ҳажман қисқа бўлишига қарамай ижодкорлар ҳаёти ва ижодига тортилган портрет чизиқларидан иборат. Шунинг учун уларни қисқа, этюд портрет- мақолалар сирасига киритиш тўғрироқ бўлади.

Ойбек ижодида Ҳамза, F.Гулом, Ҳ.Олимжон ҳақидаги хотира мақолалар ҳам учрайдики, уларни ўрганиш кейинги вазифалардандир.

Портрет-мақола жанрининг тараққиёти портрет-мақолаларнинг кейинги йилларда, айниқса, 70-80 йилларда ўсиб, тўлдирилиб, улар асосида адабий

портрет жанридаги танқидий асарлар яратилиш жараёни бошланганини курсатади. Бу эса улар шакли, мазмуни бойиб, шаклланиб бораётганлиги, шу боис уларни илмий тадқиқ этиш вақти етиб келганлигини кўрсатади.

Адабиётлар:

1. Akhmedova, Shoira, and Sofiya Mahmudova. "ABU ALI IBN SINA ON A CRITICAL BIOGRAPHICAL ESSAY." *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences* 2.7 (2022): 795-799.
2. Axmedova, Shoira. "THE ROLE OF THE JADID PRESS IN THE FORMATION OF UZBEK LITERARY CRITICISM." Конференции. 2021.
3. Ахмедова, Ш. Н., & Назарова, Д. (2021). АДАБИЙ ПОРТРЕТ ЖАНРИНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ ХУСУСИДА. *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА*, 4(3).
4. Ахмедова, Шоира Нематовна. "ЎЗБЕК ВА ФРАНЦУЗ АДАБИЁТШУНОСЛИГИДА ПОРТРЕТНАВИСЛИК ТАРАҚҚИЁТИ." *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА* 3.6 (2020).
5. Ахмедова Ш. Н. ХУРШИД ДАВРОННИНГ АДАБИЙ-ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИ: Ахмедова Шоира Нематовна, БухДУ ўзбек адабиёти кафедраси профессори, ф. ф. доктори //Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал. – 2022. – №. 6.2. Махсус сон. – С. 20-28.
6. Ахмедова, Шоира Нематова. "ПРОГРЕСС ПОРТРЕТОПИСАНИЯ В ПЕРИОД ГЛОБАЛИЗАЦИИ В ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИИ." *Россия-Узбекистан. Международные образовательные и социально-культурные технологии: векторы развития* (2019): 12-14.
7. Ахмедова, Шоира Нематовна, Лосеева-Танем Бахтияри, and Насима Сайдбурхановна Кадирова. "О Творческой Специфике Литературной Критики." *Miasto Przyszłości* 42 (2023): 326-329.
8. Baktiyorovna N. N. CREATIVE ABILITIES OF THE ARTIST IN THE APPLICATION OF THE ART (ON THE EXAMPLE OF THE LYRICS OF OSMAN KOCHKAR).
9. Baxtiyorovna N. N. USMON QOCHQOR LIRIKASIDA MUHABBAT MAVZUSINING TALQINI: DOI: 10.53885/edinres. 2021.71. 75.119 Norova Nasiba Baxtiyorovna, BuxDU Ozbek tili va adabiyoti kafedrasi tayanch doktoranti (Ozbekiston) //Научно-практическая конференция. – 2021.
10. Давронова Ш. Адабий таъсир ва ижодийлик //Иностранная филология: язык, литература, образование.–2016. – 2016.
11. Davronova S. THE ORIGINALITY OF THE ARTISTIC IMAGE AND THE TRUTH OF LIFE IN THE NOVELS OF ULUGBEK KHAMDAM //American Journal Of Social Sciences And Humanity Research. – 2022. – Т. 2. – №. 06. – С. 49-53.
12. Davronova S. MODERN ÖZBEK ROMANLARINDA KÂMİL İNSAN TERBİYESİ MESELESİNİN ELE ALINIŞI //Electronic Turkish Studies. – 2017. – Т. 12. – №. 15.

13. Davronova S. Mythology in intellectual novels //Theoretical & Applied Science. – 2015. – №. 4. – С. 40-43.
14. Давронова Ш. Г. АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ АНЪАНАЛАРИ ВА ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК РОМАНЧИЛИГИ //МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА. – 2021. – Т. 4. – №. 1-2.
15. Davronova S. КОНТРАСТИЧЕСКОЕ ОПИСАНИЕ МЕТОДА В ЛИТЕРАТУРЕ (НА ПРИМЕРЕ РАССКАЗА ИСАДЖАНА СУЛТАНА “ОЛИСДАГИ УРУШНИНГ АКС-САДОСИ”(«ЭХО ВОЙНЫ ВДАЛЕКЕ») //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2022. – Т. 9. – №. 9.
16. Давронова Ш. ҚИССАДА БАДИЙ ДАЛИЛЛАШНИНГ ЎРНИ: Шохсанам Давронова БухДУ ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти, ф. ф. доктори //Научно-практическая конференция. – 2021.
17. DAVRONOVA S. TARİHİ ROMANDA MUTASAVVİF BİLGİN SİMASI //DİL VE EDEBİYAT ARAŞTIRMALARI I. – С. 108.
18. G'aybulloevna D. S. The Issue of Artistic Image of Nature and Method In The Works Of Isajan Sultan (On The Example Of “The Missing Motherland”) //Indonesian Journal of Innovation Studies. – 2022. – Т. 18.
19. Gaybulloevna, D. S., & Bakhtiyorovna, N. N. PSYCHOLOGIST IN ULUGBEK HAMDAM'S NOVEL" FATHER.
20. Nematovna, Akhmedova Shoira. "GENRE OF LITERARY PORTRAIT IN THE WORKS OF ALISHER NAVAI." SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК БУХАРСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА: 127
21. NEMATOVNA, A. S. ., SAIDBURKHONOVNA, K. N. ., & BEKMURODOVNA, K. O. . (2021). METHODOLOGY AND SKILLS PROBLEMS. *The Journal of Contemporary Issues in Business and Government*, 27(5), 778–784. Retrieved from <https://cibgp.com/au/index.php/1323-6903/article/view/2022>
22. Norova N. Principal Directions of Studying the Problem of Style in Literature (on the Example of U. Kochkor's Lyrics) //JournalNX. – С. 913-915.
23. Norova N., Nigina M. OMON MATJON SHE'RLARIDA QUSHLAR TIMSOLI //ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ. – 2023. – Т. 13. – №. 3. – С. 27-30.
24. Nasiba N. UDC: 821.512. 133 TRADITION AND INNOVATION IN USMON KUCHKOR'S POEMS //SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY. – С. 100.
25. Norova N. B. Creative abilities of the artist in the application of the art (on the example of the lyrics of osman kochkar) //Scientific reports of Bukhara State University. – 2020. – Т. 4. – №. 5. – С. 214-221.
26. Norova N. Artistic skills in Usmon Kuchkor poetry //центр научных публикаций (buxdu. Uz). – 2022. – Т. 15. – №. 15.
27. Norova N. УСМОН ҚЎЧҚОР УСМОН ҚЎЧҚОРНИНГ “ЛАЗИЗЖОН МАРСИЯСИ” ШЕЪРИ ХУСУСИДА: УСМОН ҚЎЧҚОРНИНГ “ЛАЗИЗЖОН МАРСИЯСИ” ШЕЪРИ ХУСУСИДА //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2022. – Т. 16. – №. 16.

28. Norova N. ҲОЗИРГИ ШЕЪРИЯТДАГИ ПОЭТИК ЯНГИЛАНИШЛАР ҲАҚИДА //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2022. – Т. 16. – №. 16.
29. Norova N. Usmon Qo ‘chqor lirikasidagi obrazlar tarkumi // ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 8. – №. 8.
30. Норова Н. Б. УСМОН ҚҮЧҚОР ШЕЪРИЯТИДА ТАБИАТ ТАСВИРИ ТАЛҚИНИ: Норова Насиба Бахтиёровна, Бух ДУ ўзбек адабиёти кафедраси ўқитувчиси,(PhD) //Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал. – 2023. – №. 1.
31. Ойбек. Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 14-том. Тошкент. «Фан».1979.
32. Sharipova L. Literary yor-yor //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 4. – С. 218-222.
33. Шарипова Л. БОҚИЙ МАВЗУДА БИТИЛГАН ШЕЪРЛАР: Шарипова Лайло, ф. ф. д., ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти, Бухоро давлат университети //Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал. – 2022. – №. 5. – С. 52-56.
34. Sharipova L. XX asrning 70–80-yillari o ‘zbek she’riyatida folklorizm // Toshkent: Fan. – 2011. – Т. 153.
35. Шарипова Л. ТИЛАК ЖЎРА ШЕЪРИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ: Лайло Шарипова, БухДУ ўзбек тили ва адабиёти кафедраси профессори, ф. ф. д //Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал. – 2023. – №. 4. – С. 53-56.
36. Sharipova L. MUALLIFI SINGARI DILBAR SHE’RLAR.. //INTERDISCIPLINE INNOVATION AND SCIENTIFIC RESEARCH CONFERENCE. – 2024. – Т. 2. – №. 19. – С. 64-69.
37. Sharipova L. Замонавий шеъриятда ёмғир образи // ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 8. – №. 8.
38. Шарипова Л., Низомова К. ЎЗИГА ХОС ШЕЪРИЯТ //Прикладные науки в современном мире: проблемы и решения. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 19-21.
39. Sharipova L., Boboxo‘Jayeva L. A. XALQ OG ‘ZAKI IJODINING USMON AZIM IJODIGA TA’SIRI MASALASI //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2023. – Т. 3. – №. 6. – С. 948-952.
40. Sharipova L. HAM TA’LIM, HAM TARBIYA BERUVCHI SHE’RLAR.. //Konferensiylar| Conferences. – 2024. – Т. 1. – №. 12. – С. 169-173.
41. Sharipova L. ALISHER NAVOIY IJODIDA LUG ‘Z //Academic research in educational sciences. – 2023. – Т. 4. – №. Conference Proceedings 1. – С. 387-391.
42. Shokhsanam Davronova 2021. UZBEK NOVEL IN THE INDEPENDENCE PERIOD: TRADITION AND NOVELTY ISSUES. *JournalNX - A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal*. (Feb. 2021), 679–683.